Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 114 (20. 681) • 1990 йил 19 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

● **Муваққат партия группалари ваколатларини кенгайтириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.**
(1-саҳифа, Г. Соболев мақоласидан).

● **«Мен партиясиз одам, партияга қаттиқ ишонардим. Бу ишонч менда ҳали ҳам мустаҳкам», — дейди Э. Бобожонов ўзининг «Кимлар обрўсизлантиряпти?» мақоласида.**
(2-саҳифа).

● **Элимиз қалбида абадий яшайди.**
(3-саҳифа Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланади).

● **Икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик, ҳамкорликнинг ўзига хос рамзи.**
(4-саҳифа, «Сўнмас у кунлар шуҳрати» рубрикали мақолада шу ҳақда сўз юритилади).

⊙ **Сирдарё районидаги «Малик» совхозида чорвачилик тобора яхши ривожланмоқда. Бунда илғорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Жумагул Шодмонова ана шундайлардан. У ҳозир 55 та бузоқни меҳр билан парваришламоқда.**

Суратда: Жумагул Шодмонова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• Президент Фармони қандай амалга оширилади?

Республика партия ва ҳукумати меҳнаткашлар турмуш шароитини, айниқса, кам таъминланган оилалар моддий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда жумҳуриятимиз Президенти томонидан эълон қилинган фармонлар фикримизнинг далилидир. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА жумҳурият Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия ва нафақалар бош бошқармасининг бошлиғи Юлиан Борисович ТУРОВСКИЙга мурожаат қилиб, Президент Фармони асосида вазирлик томонидан бу борада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

• Бизнинг шарҳ

ИЛК ҚАДАМЛАР

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтган йил 23 ноябрдаги Бюросининг халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги социал аҳволни янада яхшилаш бўйича 1990 йилга мўлжалланган тадбирлари тўғрисидаги қарори меҳнаткашларнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган йўлини рўёбга чиқара бошлаган дастлабки қадамлардан, дейиш мумкин. Бу қарорда биринчидан, кексалик ва ногиронлик учун тўла бўлмаган пенсиялар миқдорини 60 сўмгача етказиш кўзда тутилган эди. Шу хилдаги пенсияларнинг ўртача миқдори 44 сўмни ташкил этарди. Бу пенсияларнинг 60 сўмгача кўтарилиши натижасида 55 минг пенсионерга қўшимча равишда йилига 7 миллион сўм тўланадиган бўлди. Иккинчидан, маҳаллий бюджет нафақалари ва маблағларини кўпайтириш кўзда тутилганди. Бундай нафақалар давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар учун белгиланган. Жумҳуриятда 5,5 минг киши ана шу хилдаги нафақалардан баҳраманд бўлмоқда. Улар асосан меҳнат стажига эга бўлмаган кишилардир. Марказий Комитет Бюроси қарори асосида бундай нафақалар миқдори 30 сўмдан 50 сўмгача оширилди. Ана шу мақсадларга сарфланадиган харажатлар йилига 1,4 миллион сўмни ташкил этди. Янги белгиланган нафақанинг миқдори келгуси йилдан белгиланадиган социал пенсия (35 сўм) миқдоридан кўпроқдир.

Республика Президентининг кўп болали оиларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги Фармони кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу йил 1 июндан бошлаб Президентнинг Фармонига мувофиқ жумҳуриятимизда кўп болали оиларга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори икки баравар кўпайтирилади. Бундай нафақалар Иттифоқимизда 1947 йилдан мавжуд. Ҳаммаси бўлиб 658 минг кўп болали она бундай нафақаларни олмоқда. Ана шу мақсадларга ҳар ойда тўланаётган нафақалар миқдори йилига 60 миллион сўмни ташкил этарди. Эндиликда эса бу мақсадларга сарфланадиган маблағ 120 миллион сўмни ташкил этади.

Президентнинг «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармонида Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирлар талайгина.

Президент Фармони Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига қўшимча имтиёзлардан фойдаланиш имконини беради. Аниқ қилиб айтганда уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оиласини шу йилнинг ўзида уй-жой билан таъминлаш, 1991 йилда эса барча уруш иштирокчилари ва унга тенглаштирилган шахсларга агар улар уй-жойга муҳтожликлари тўғрисида 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган бўлсалар уй-жой билан таъминланадилар.

1990 йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинадилар. Улуғ Ватан уруши ногиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга ҳам тааллуқли бўлади. Агар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари яшаётган уй-жойлар давлат ва идораларга қарашли бўлса, улар шахсий мулкка айлантирилади.

1990 йил мобайнида Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, 1991 йилда эса барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг уй-жой, маиший шароитини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, корхоналар, ташкилотлар, колхоз, совхозлар маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой қуриш ва ремонт қилиш йўли билан яхшилаш кўзда тутилган. 1990 йил 1 июлдан бошлаб жумҳурият ижтимоий таъминот вазирлиги системасидаги уруш ветеранлари учун санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланишга, дори-дармонларга ва юмшоқ жиҳозларга сарфланадиган харажатлар Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпиталлари учун белгиланган даражаларга тенглаштирилади. Вазирлик томонидан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга шахсий фойдаланиш учун сотишга бозор фондидан 1750 та енгил автомашина, биринчи группа ногиронларига аравачалар сотиб олиш учун 100 минг сўм миқдорида чет эл валютаси ажратилди. Алоқа вазирлигига 1990-1991 йиллар мобайнида барча Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари уйларига телефон ўтказиш топширилди.

Совет халқининг гитлерчилар устидан Ғалабасини таъминлашга ҳисса қўшган уруш ветеранларига 100 сўмгача миқдорда эсдалик совғалар топширилмоқда.

• Съезд минбарига

РАЙКОМ ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ДАРКОР

Республика Компартияси XXII съездига саноқли кунлар қолди. Уни ишчанлик ва якдиллик билан кутиб олиш ҳар бир коммунистнинг дилидаги эзгу тилаги ва режасидир. Район партия конференциясида кўп коммунистлар ана шу ҳақда ўз позицияларини аниқ баён этдилар. Мен ҳам қуйида ўз фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Бугунги кунда партиянинг бошланғич бўғинлари ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам биз шаҳар ва район партия комитетларининг ялги таркиби—бошланғич партия ташкилотларини умумсиёсий аҳволни тўғри баҳолашга, мамлакатни, республикани тўлқинлантираётган сиёсий саволларга акс-садо беришга ғайрат билан ҳаракат қилиш қобилиятини камол топтиришини истаймиз. Бунинг учун эса энг аввало мавжуд вазиятни, омманинг кайфиятини яхши билмоқ керак. Ўз навбатида мана шундан жуда ҳам муҳим иккинчи вазифа келиб чиқади: бошланғич партия ташкилотларини ўзларида асосан «юқорига» қараб тўн бичишга эмас, «қуйи»га, кишиларнинг манфаатларига, турмуш даражасини оширишга қараб иш тутишни ўргатишлари керак.

Ҳозир кун тартибида сайлаб қўйилган фаоллар билан бошланғич партия ташкилотларининг ўзаро муносабатлари ва узвий алоқалари системасини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бизнинг назаримизда, районда секретарлар кенгаши, район мунозара клуби ташкил этиш, райком комиссиялари иш самарадорлиги ва таъсир кучини ошириш ана шундай қадамлардан бири бўлиб қолди. Район партия комитети қошида жамоат фикрини ўрганиш хизмати ташкил этилди ва у муваффақият билан иш олиб бормоқда. Зеро, худди шундай хизмат шаҳар партия комитети қошида ҳам ташкил этилмоғи лозим. Муваққат партия группалари ваколатларини кенгайтириш тўғрисида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Маълумки, бундай группалар пленумлар, конференциялар, Советларнинг сессиялари ва съездларни ўтказиш чоғида ташкил этилади. Партия эса уларнинг фаолиятига коммунистлар орқали ишонтириш, янги дастурларни илгари суриш ва ҳоказолар орқали фаол таъсир кўрсатади.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси район коммунистлари томонидан синчиклаб ўрганилмоқда. Район партия конференциясида унинг иштирокчилари райком ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан Ҳаракат дастури лойиҳасига ўз таклифларини киритдилар. Зотан, район партия комитетлари аппарат тузилишини белгилашда, молиявий масалаларни ҳал этишда мустақил бўлмоқлари, хўжалик фаолияти билан шуғулланиб, ўз маблағларига эга бўлишлари зарур.

Биз, шунингдек, область, шаҳар ва район ташкилотлари ўртасида рўй бериб турадиган зиддиятларни изчил ҳал этиш механизмини яратиш керак, деб ҳисоблаймиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, юқори ташкилот қарорлари ҳамиша ҳам иш учун қулай бўлмаяпти ва унга хизмат қилмаяпти. Афсуски, қайта қуришгача бўлган даврда эмас, ҳозирги кунда ҳам арзимаган, майда-чуйда масалалар юзасидан юқори ташкилотларга чиқишга мажбур бўлиняпти. Бу эса ўз навбатида жойлардаги масъулиятни, ташаббускорликни оширишга ёрдам бермайди. Жумҳурият Компартиясидаги мавжуд тўрт—беш бўғинли тузилиш бошқарувнинг оғирлашувига, аппаратнинг кенгайиб кетишига олиб келади, ҳужжатлар оқимини камайтиришга имкон бермайди. Съездда ана шу борадаги ишлар чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Г. СОБОЛЕВ,
Тошкент шаҳар Бектемир район партия комитетининг биринчи котиби.

• Пилламиз—тилламиз

Жумҳуриятда биринчи

СУРХОНДАРЁ. Ленин йўли районн пилла корлари жумҳуриятимизда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллашди. Район бўйича 1300 қути қурт уруғидан 58 тонна хом ашё олинди. Миришкорларнинг нияти — давлатга яна 10 тонна кумуш тола етказиб бериш.

Охунбобоев номли, Ленин номли, Будённий номли хўжаликлар йиллик планни 110 фоиздан ошириб, айни кунларда қўшимча мажбурият ҳисобига пилла топширмоқдалар. Насиба Жовлиева, Саодат Тангирова, Ойсоат Пардаева, Майрам Қўшоқова, Анорхон Худойбердиева ва бошқа пиллакорлар ҳар бир қути қурт уруғидан 80—100 килограммдан ҳосил олиб барчага ибрат бўлишди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети хабар қилади:

ТОПШИРИҚЛАР СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИНИНГ 1990 ЙИЛ ЯНВАРЬ—АПРЕЛЬ ОЙЛАРИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика саноатида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилнинг январь-апрель ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоиз кўпайди. Шу билан бир вақтда «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси корхоналарида, СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналарида, «Ўзбекўрмон» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши комитетида, Ўзбекистон Қурилиш-ёғочсозлик саноати бош бошқармасида, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарида ва бошқаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига йўл қўйилди.

Саноат маҳсулоти энг муҳим турларининг ҳар тўрттасидан бирига доир ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади, 41 фоизи юзасидан эса ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 99,4 фоиз бажарилди (1989 йилнинг январь-апрель ойларида 99,3 фоиз бажарилган эди). Бирлашмалар ва корхоналарнинг 13 фоизи давлат буюртмалари ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларда белгилаб қўйилган шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламади. Январь-апрель ойларидаги истеъмолчилардан қарздорлик 44,7 миллион сўмни ташкил этди.

Металлургия ва химия-ўрмон комплекслари ишидаги камчиликлар тугатилган эмас (металлургия комплекси шартномавий мажбуриятларни 98,6 фоиз бажариб 6,2 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берган бўлса, химия-ўрмон комплекси 99,1 фоиз бажариб 5,9 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди). Қорақалпоғистон АССР (99,0 фоиз), Андижон, Самарқанд, Тошкент областлари ва Тошкент шаҳридаги корхоналар (99,1 фоиз)да шартномавий мажбуриятларни бажариш даражаси паст.

Даромадларни нормативларга мувофиқ тақсимлаш (хўжалик ҳисобининг иккинчи модели) шароитида ишлаётган 94 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йил январь-апрель ойларига нисбатан 3 фоиз кўпайди, бу эса умуман республика саноатидаги ана шундай ўсишдан 0,4 нуқта камдир.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 99,3 фоиз бажарилган, бешта корхона истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини уддалай олмади, истеъмолчиларга етказиб берилмай қолган маҳсулотнинг умумий ҳажми 1,5 миллион сўмликни ташкил этди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган 30 корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 1,7 фоизни ташкил этди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган корхоналар маҳсулот етказиб бериш хусусидаги шартномавий мажбуриятларини 99,1 фоиз бажарди, истеъмолчиларга 1,7 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри бўйича саноатнинг иши ҳақидаги маълумотлар қуйида келтирилади (фоиз):

	Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши улуши	Истеъмолчига етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ўзбекистон ССР	99,4	44,7	13	3,4
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	99,0	2,2	14	3,3
Андижон области	99,1	4,6	13	16,0
Бухоро области	99,4	2,8	12	1,4
Жиззах области	99,9	0,1	6	7,2
Қашқадарё области	100,0	—	—	1,5
Наманган области	99,7	1,2	12	3,1
Самарқанд области	99,1	5,6	13	6,8
Сурхондарё области	99,6	0,9	11	0,7
Сирдарё области	99,8	0,5	8	9,3
Тошкент области	99,1	10,7	20	3,2
Фарғона области	99,7	2,3	9	0,7
Хоразм области	99,96	0,1	4	6,8
Тошкент шаҳри	99,1	12,6	20	0,8

(Давоми тўртинчи бетда).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Президенти М. С. Горбачев билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Литва ССР бош министри К. Прунскенени қабул қилдилар. К. Прунскене Литва ССР Олий Советининг ёпиқ мажлисида қабул қилинган ҳужжатларни топширди, бу ҳужжатларда республиканинг қонун чиқарувчи олий органи Конституцияга хилоф равишда қилган ҳаракатлар натижасида вужудга келган муаммолар хусусидаги таклиф ва мулоҳазалар баён этилган.

Ҳужжатлар билан танишишдан маълум бўлишича, уларда вазиятни нормаллаштириш йўлида муайян қадамлар қўйилган. Бироқ, бу қадамлар асосий масалани ҳал этмайди — Литва ССР Олий Советининг «Литва давлати мустақиллигини тиклаш тўғрисида»ги қонунини бекор қилмайди, СССР халқ депутатларининг фавқулодда Съездининг қарорида бу қонун ғайриқонуний деб эътироф этилган эди.

Литва ССР Олий Совети бу қонунни ҳамда ундан кейин қабул этилган ва СССР Конституциясига зид бўлган қонун ҳужжатларини бекор қилиши ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиши албатта зарурлигига К. Прунскененинг эътибори қаратилди.

Айни мана шундай қарор ҳозирги вақтда Литва халқини тўлқинлантириб турган ва Совет Иттифоқи республикаларини, совет ва халқаро жамоатчиликни жуда ташвишга солаётган масалаларни муҳокама қилиш учун дарҳол имконият очади, деб таъкидланди.

К. Прунскене айтилган гапларни Литва ССР Олий Советига етказишга ваъда қилди.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

301-Қорадарё сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов ўз сайловчилари билан учрашди. Учрашув Самарқанд областининг Каттақўрғон районидаги «Ленин йўли» колхози клубида бўлиб ўтди.

Ш. Р. Мирсандов ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш программасини амалга оширишга доир фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Эркин суҳбат чоғида бозор иқтисодиётига ўтиш, маънавий-сиёсий вазиятни барқарор қилиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалалари тилга олинди. У якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратишга, шахсий ёрдамчи хўжаликларга тааллуқли бир қанча саволларга жавоб қайтарди, республика Министрлар Совети яқинда қабул қилган гражданларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги қарорини шарҳлаб берди.

Учрашувда Самарқанд область ижроия комитетининг раиси Т. Р. Қиличев қатнашди.

(ЎзТАГ).

• Қалб ташаккури •

МАМНУНМИЗ

Мен Ўзбекистон жумҳуриятидаги минглаб кўп болали оналарнинг биримаи. Турмуш ўртоғим Собир Очилов билан аҳиллиқда етти фарзанд — уч қиз ва тўрт ўғилни тарбиялаб, вояга етказмоқдамиз. Совет Армияси сафларида хизмат қилишдек шарафли бурч оиламиз фарзандларига ҳам насиб этган.

Ўғлим Мансур билан Маъмур ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб келишган. Шу кунларда эса Усмоннинг ҳарбий хизматдан бўшаб келишини сабрсизлик билан кутяпмиз. Бундан ташқари кенжа ўғлимиз Маъруфнинг ҳам армияга чақирилиши ҳақида ўйлаяпмиз. Кеча газеталарда эълон қилинган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида»ги қарори баённи ўқиб, беннҳоя мамнун бўлдим. Ҳарбий қурилиш отрядларига чақириладиган фарзандларимизнинг хизмат бурчини Туркистон Ҳарбий Округида ўташларига имконият яратиб берилиш биз, оналар учун айни муддаодир. Ота-она борки, тинчлик, фарзандлар омонлиги, эл-юрт ва Ватан фаровонлигини ўйлайди. Бу ҳужжат ўз мазмуни ва аҳамияти билан Ватан қудратини оширишга, кўпмиллатли халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Санобар ОЧИЛОВА,
кўп болали она.

ИШОНСА БЎЛАДИ

Кўп болали онаман. Беш фарзандим ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Олтинчи ўғлим Луқмонжон йигитлик бурчини ўтаяпти. Кенжам эса ўрта мактабни битириш арафасида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қабул қилган қарорини ўқиб, ростн севиндим. Чунки жумҳуриятимиздаги йигитларнинг қурилиш ҳарбий қисмларига чақириладиганлари бундан буён фақат Туркистон ҳарбий округида хизмат қиларкан. Бу бизларни хушнуд этди, албатта.

Яна бир муаммо ечилибди. Кузатиш пайтида ҳарбий комиссариатлар олдида бизлар учун ҳеч қандай шароит бўлмасди. Бунга барҳам берилибди. Бунинг учун раҳмат дегимиз келади.

У. ҚУРБОНОВА,
Андижон вилояти, Бўз ноҳиясидаги Навоий номли колхоз вазоси.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

ТАЛАБЛАР АНИҚ БЎЛСИН

Партия турмуши: КПСС Устави лойиҳаси ҳақида

КПСС Устави лойиҳасини муҳокама этиш бошлангандан буён — Урганчлик коммунистлар шу ҳақда 300 га яқин таклиф ва мулоҳаза билдирдилар. Айниқса, лойиҳадаги бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ ҳуқуқ ва мустақиллик бериш ҳақидаги жиҳатлар диққат-эътиборда бўляпти. Уларнинг кўпчилик қисми унинг асосий мазмунини қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим масалалар бўйича аниқ фикрлар баён этилмаган, деган хулосага келмоқдалар.

Масалан, 167-қурилиш трести ишчиси К. Сафаров **партия маблағлари қандай сарфланаётганлиги тўғрисида партия комитетлари бошланғич ташкилотлар олдида ҳисоб бериб боришлари лозим,** деган таклифни айтди. Лойиҳада бу масала умумий тарзда ифодаланган. 10-мактаб ўқитувчиси Н. Хаширева эса ўз таклифида **бошланғич партия ташкилотларида тўпланган аъзолик бадалларининг лойиҳада белгиланганидек 50 фоизигача эмас, балки 70 фоизи қолдирилсин,** деб аниқ кўрсатилиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳа, муҳокамада турлича фикрлар билдирилиши турган гап. Шу нуқтаи назардан ёндошган ҳолда уларнинг айримлари билан бахслашиш мақсадида бир қатор жиҳатлар бўйича ўз мулоҳазаларимни айтишни лозим топдим. Бир группа коммунистлар ҳали бошланғич партия ташкилотлари ўз сафларини тўлдиришни ҳал қилишга қодир эмаслар, район ва шаҳар партия комитетлари сафимиз софлигини таъминлашда қалқон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверириши керак, деган фикрни илгари суришяпти. Бундай муносабатга қўшилиб бўлмайди, албатта. Назаримда янги Устав лойиҳасидаги энг диққатга молик томони ҳам бошланғич ташкилотларга мустақиллик берилаётганидадир. Шундай бўлгач, бошланғич ташкилотлардаги барча масалаларни ҳал этишда ҳар бир коммунистнинг роли ва масъулияти ошади. Энди, тавсияномалар берилиши Уставда мажбурий тарзда белгилаб қўйилди, деб ўйлайлик. Аммо шу ўринда тавсиянома берадиган коммунистнинг партиявий тажрибаси, ўзи тавсиянома бераётган бўлажак коммунист билан бирга ишлаган вақт, тавсияномани қандай ҳолатда бериш ва у ким томонидан тасдиқланишини белгиловчи ва бошқа шунга ўхшаш ўнлаб қўлланмалар зарур бўлади. Шу ўринда партиявий иш тажрибасида ўз обрўсини тўккан, нолойиқ шахсларга тавсиянома берганлиги учун шу пайтгача бирон коммунист жазоланмаганлигини айтиш ҳам ўринлидир.

Шу билан бирга шаҳар ва район партия комитетлари «қалқон» бўлиб хизмат қилганлиги ҳам амалда ўз тасдиғини топмайди. Лойиҳада белгиланган қоидалар кучга киргудай бўлса, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул масаласида тамоман мустақил бўладилар. Кимни партияга қабул қилиб, кимга рад жавобини бериш, мумкинлигини уларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Коммунистнинг обрўси ва шахсий масъулиятини ошириш масаласида ҳам ўйлаб кўриш керак. **Партиявий таъсирчанлик фақат интизомни бузганларга нисбатан гина эмас, шу билан бирга партия аъзоларини тақдирлашда қўлланиши ҳам зарур. Агар тақдирлашлар ҳам ҳисоб карточкасида қайд этилса, айни муддао бўларди.** Аслида шундай йўл тутилмаса, раҳматномалар худди ҳайфсан бериш ва бошқа жазолар сингари бетаъсир бўлиб қолаверади.

Ш. РАЗЗОҚОВ,
Урганч шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири.

КИМЛАР ОБРЎСИЗЛАНТИРЯПТИ?

- Халқ партияга ишонади, уни қўллаб-қувватлайди
- Комиссия текширганидан кейин
- Ким ҳақ, ким ноҳақ?
- Коммунист таклиф қилади
- Партия комитетлари вақти-вақти билан ҳисоб бериб борсинлар
- Бўлажак коммунистга тавсиянома шартми?
- Бошланғич ташкилотларга кўпроқ мустақиллик
- Жазогина эмас, тақдирлашлар ҳам ҳисоб карточкасида акс этсин.

Ҳозир Коммунистик партиянинг обрўси тушиб кетди, деган гапларни ҳам эшитяпмиз. Хўш, бу гапларда асос борми? Турғунлик йилларида ундан кейинги даврларда ҳам айрим партия ходимларининг оддий инсон тақдирига бепарво муносабатда бўлганлари, таниш-билишлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилишлари туфайли одамлар орасида мана шундай кайфият вужудга келганди. Адолатсизлик, ҳуқуқ бузарликларга қарши дадил курашган кишилар эса таъқиб қилинди. Менинг тақдиримда худди ана шундай ҳол юз берди.

1986 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институти Фарғона филиалида вужудга келган нохуш аҳвол ҳақида кўп жойларга ёздим. Филиал директори А. Мамажоновнинг йўл қўйиб бериши туфайли бу ерда молиявий тартиб-қоидаларнинг бузилгани, имтиҳон ва синовларда баҳоларнинг асоссиз тарзда ошириб қўйилиши, ўзимга нисбатан қилинган ноҳақлик каби воқеалар рўй берган эди.

Филиал партия комиссия хулосасини (энди ҳақиқий хулосани!) иккинчи марта муҳокама қилди. Бироқ бу сафар ҳам коммунистлар лоқайдлик қилишди. Айбдорларга кўрсатиб ўтиш билан чекланилди. Молия интизомини қўпол тарзда бузганлар эса йиғилишда қатнашишни ўзларига эп кўрмадилар.

Шундан сўнг маъмурият мени ёмон отлиқ қилишга лишга мажбур бўлдим. Филиал партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида эса директор А. Мамажонов менга юзаки раҳмат айтиш билан қутулгандай бўлди. Мен яна обкомга арз қилдим. Сўнгра юқори ташкилотларга ёза бошладим. Уларнинг ҳаммаси яна обкомга келиб тўхтар эди. Мен комиссия справкасини ўзимга кўрсатишларини талаб қилдим. Маълум бўлишича, справкаларнинг бири сохта бўлиб чиқди. Қаранг, обкомда ҳам сохта справкалар бўлар экан! Партияга бўлган қатъий ишончимга ўшанда раҳна тушган эди...

Филиал партия ташкилоти комиссия хулосасини (энди ҳақиқий хулосани!) иккинчи марта муҳокама қилди. Бироқ бу сафар ҳам коммунистлар лоқайдлик қилишди. Айбдорларга кўрсатиб ўтиш билан чекланилди. Молия интизомини қўпол тарзда бузганлар эса йиғилишда қатнашишни ўзларига эп кўрмадилар.

Шундан сўнг маъмурият мени ёмон отлиқ қилишга



● «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари Ўзбекистон Компартияси XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. 1961 йилдан КПСС аъзоси, бешинчи разрядли ишчи Г. Соловьев кунлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаряпти.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари президиумлари раислари ўринбосарларининг ўқуви тугади.

Машғулотларда тингловчиларнинг диққат-эътибори социализм қурилишининг ленинча концепциясини, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш муаммолари ва йўлларини, иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирларини, маҳаллий Советлар раҳбарларининг сайловчилар билан алоқаларининг ижтимоий-руҳий масалаларини, КПССнинг миллий сиёсатини ҳозирги шароитда изчил амалга ошириш, янгича сиёсий тафаккур шароитида халқаро муносабатларни инсонпарвар-лаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилди.

Группа машғулотларида КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳасида, СССР халқ депутатлари иккинчи ва учинчи Съездлари ҳужжатларида баён этилган назарий қоидалар, сиёсий хулосалар ва амалий вазифалар батафсил кўриб чиқилди.

Давра суҳбатларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш, ўқувчилар ва студентларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини анча ошириш йўллари, ижтимоий экология регионал муаммолари, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари, одамларнинг сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиясида кино санъатининг ўрни ва роли масалалари, демократиялаш ва фикрлар хилма-хиллиги натижасида вужудга келган гражданлар ташаббускор сиёсий бирлашмаларини ривожлантириш шароитида ғоявий-сиёсий ҳамда атеистик ишларнинг шакл ва усуллари муҳокама қилинди.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, Тожикистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Е. И. Турғунов, Туркманистон ССР Олий Советининг халқ депутатлари Советлари иши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалалари комитетининг раиси Э. О. Оразова, уч республика Давлат план комитетларининг раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети секретариати билан республика Министрлар Совети бўлимларининг мудирлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Тошкент олий партия мактабининг етакчи профессорлари, ўқитувчилари сўзга чиқдилар.

• Нуқтаи назар

СССР Агросаноат давлат комитетига ёзган шикоятим бўйича Фарғона область партия комитети махсус комиссия тузди. Фарғона педагогика институти олимларидан иборат бу комиссия шикоятимда келтирилган фактларнинг асосий қисмини тасдиқлади. Масалан, мен ўша пайтда филиал «Бухгалтерия ҳисоб-китоби ва таҳлили» кафедрасида мудир эдим. Сиртқи бўлим студенти А. Охуновга предметни яхши ўзлаштириб олмаганлиги учун баҳо қўймадим. Унинг ҳомийлари эса менга қарши кураш бошлашди. Охунов кириш имтиҳонлари пайти иншодан қониқарсиз баҳо олган. Аммо кимлардир ва нима учундир буни «суваб» юборган эди. Охунов аслида ноқонуний йўллар билан институтга қабул қилинган эди. Комиссия бу фактни тасдиқлади.

Филиал раҳбарлари билимсиз студентларга оширилган баҳо қўймаганлигим учун менга қаттиқ виговор эълон қилди ва сиртқи бўлим студентлари билан бирга таълим ишлари олиб боришдан мени четлатди. Бу буйруқ чиққан пайтда мен командировкада эдим. Комиссия бу ҳолатни ҳам аниқлаб, менинг таълимдан нотўғри четлантирилганлигимни кўрсатди.

Комиссия ўз хулосасида «Бобожонов педагог сифатида ҳам, мутахассис сифатида ҳам эгаллаб турган лавозимига муносиб. У ўзига ҳам, студентларга ҳам, ходимларга ҳам бирдай талабчан», деб кўрсатди.

Ҳақиқат ўз жойида қарор топгандай, айбдорлар энди жазоланадигандай эди. Афсус... Ҳеч нарса ўзгармади. Комиссия иши натижалари филиал маъмурияти, партия ташкилоти томонидан муҳокама қилинмади. Бунинг ўрнига мен бошчилик қилаётган кафедранинг 1983—1984 йиллардаги иши, студентларнинг диплом ишлари синчиклаб текширила бошланди. Мақсад мени обрўсизлантириш эди.

Шундан сўнг область партия комитетига мурожаат қилдим. Бир группа коммунистлар ҳали бошланғич партия ташкилотлари ўз сафларини тўлдиришни ҳал қилишга қодир эмаслар, район ва шаҳар партия комитетлари сафимиз софлигини таъминлашда қалқон бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверириши керак, деган фикрни илгари суришяпти. Бундай муносабатга қўшилиб бўлмайди, албатта. Назаримда янги Устав лойиҳасидаги энг диққатга молик томони ҳам бошланғич ташкилотларга мустақиллик берилаётганидадир. Шундай бўлгач, бошланғич ташкилотлардаги барчанинг партиявий тажрибаси, ўзи тавсиянома бераётган бўлажак коммунист билан бирга ишлаган вақт, тавсияномани қандай ҳолатда бериш ва у ким томонидан тасдиқланишини белгиловчи ва бошқа шунга ўхшаш ўнлаб қўлланмалар зарур бўлади. Шу ўринда партиявий иш тажрибасида ўз обрўсини тўккан, нолойиқ шахсларга тавсиянома берганлиги учун шу пайтгача бирон коммунист жазоланмаганлигини айтиш ҳам ўринлидир.

Шу билан бирга шаҳар ва район партия комитетлари «қалқон» бўлиб хизмат қилганлиги ҳам амалда ўз тасдиғини топмайди. Лойиҳада белгиланган қоидалар кучга киргудай бўлса, бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул масаласида тамоман мустақил бўладилар. Кимни партияга қабул қилиб, кимга рад жавобини бериш, мумкинлигини уларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Коммунистнинг обрўси ва шахсий масъулиятини ошириш масаласида ҳам ўйлаб кўриш керак. **Партиявий таъсирчанлик фақат интизомни бузганларга нисбатан гина эмас, шу билан бирга партия аъзоларини тақдирлашда қўлланиши ҳам зарур. Агар тақдирлашлар ҳам ҳисоб карточкасида қайд этилса, айни муддао бўларди.** Аслида шундай йўл тутилмаса, раҳматномалар худди ҳайфсан бериш ва бошқа жазолар сингари бетаъсир бўлиб қолаверади.

Ш. РАЗЗОҚОВ,
Урганч шаҳар партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири.

МАН ЭТИЛДИ

Энди сабзавот, полиз экинларига заҳарли дорилар ишлатилмайди

Жумҳуриятимиз савдо дўконлари ва бозорларида сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилишда бир сония ҳадиксирашимиз бежиз эмас эди. Бундан буён ҳадиксирашга ўрин қолмайди. Негаки, жумҳуриятимизда сабзавот-полиз ва бошқа озиқ-овқат экинларини етиштиришда аммиакли селитра бутунлай ишлатилмайди. Биз шу хусусда жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, жумҳурият давлат бош санитар врачи Т. ИСКАНДАРОВга мурожаат этдик.

— Биз яқинда жумҳурият санитария-эпидемиология хизмати, жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, жумҳурият Фанлар академияси, онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан тақдим этилган ва бошқа озиқ-овқат экинлари, сув ҳавзаларидаги, ичимлик сувларидаги нитрат моддасининг айнан миқдори ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқдик.

Жумҳуриятимизда сабзавот-полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ўта хавфли саналган аммиакли селитра ҳамон қўлланилмоқда. У хатто ишлатилаётган жаъми минерал ўғитларнинг ярмини ташкил этмоқда. Шу сабабли озиқ-овқат экинлари таркибида нитрат моддасининг миқдори белгиланганидан 3,5 баробар юқори бўлмоқда. Текширилган намуналарда нитрат бўйича белгиланган миқдордан 1987 йили 10,1, 1988 йили 12,5, ўтган йили эса 14 фоизга ортиқлиги кескин чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этди.

Азотли минерал ўғитлардан фойдаланиш ичимлик сувлари ва сув ҳавзаларини бузувчи омиллардан биридир. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувлари таркибида организмга кирган нитрат ошқозон-ичак микрофлоралари (оддий шароитда касаллик қўзғатмай яшайверадиган бактериялар туркуми) нитроредуктоз таъсирида нитритга айланади; қонга сўрилиб, гемоглобин билан бирлашган нитратлар метгемоглобинга айланади ва тўқималарда кислород тахчиллигига олиб келади.

Бугунги кунда юзага келган вазиятда ўсимлик маҳсулотларини етиштиришда жамоа, шўро, хўжаликлари, ширкатчилар, ижарачилар, боғбонлар, полизчилар, фуқаролар томонидан аммиакли селитранинг қўлланиш муддати ва миқдори назорат қилинмаётир. Ўзбекистон жумҳурият Вазирлар Кенгашининг бу борадаги қарорлари бажарилмаётир. Шунинг учун ҳам шу йилнинг 15 майидан бошлаб жумҳуриятимиз барча ҳудудида сабзавот-полиз экинлари ва бошқа ўсимликлар етиштирувчи хўжаликлар, ижарачиларга аммиакли селитра бериш тақиқлаб қўйилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги нитрат миқдорини кўрсатувчи махсус шаҳодатномасиз сотиш ман этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бунга амал қилмаган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

• Демократияни ўрганамиз

СУКУТ — НОРИЗОЛИК АЛОМАТИ

Мен қаламга олаётган воқеа шунчалик сокинлик билан кечдики, у ўзининг бутун мазмун моҳияти билан бундан ўн йил муқаддам, аниқроғи, биз турғунлик йиллари деб баҳолашга кўникиб қолган давр ҳангомалари силсиласига ўхшаб кетарди. Аммо воқеалар ривожидан яна бир нарсани англамаслик мумкин эмас эди. Ушбу ҳангома-ю, тафсилотлар оқимининг туб-тубида ўтган кунларимиз, бугунимиз ва келажагимизга даҳлдор нимадир... нимадир бор эди.

Тошкент ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасида директор сайлови ўтказилди. Сайловга бирлашма тасарруфидаги барча ташкилотлар — Тошкент, Оҳангарон, Бурчимулла, Чирчиқ, Бекобод, Паркент ўрмон хўжаликларидан делегатлар қатнашишди. Сайлов ўтказувчи конкурс комиссияси раиси, ушбу бирлашма кадрлар бўлими бошлиғи М. Холдорбековнинг ҳисоботига кўра, комиссияга бир неча аризалар тушган. Аммо айрим номзодларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти, касб-кори конкурс шартларига номувофиқлиги боис аризалар инобатга олинмади. Шу туфайли ушбу сайловга ягона киши — мазкур бирлашма бош мутахассиси Фазлиддин Фахриддиновнинг номзоди қўйилди.

КОМИССИЯ АХБОРОТИДАН: Ф. Фахриддинов 1931 йил 1 январда туғилган, миллати ўзбек, 8 нафар фарзанди бор. Мутахассислиги ўрмончи, шаҳар ва район Советлари депутати бўлган. Касаба союзлари жумҳурият Совети ўрмон хўжалиги комитетининг ранси, ўрмон хўжалиги директори, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетининг ранси, ўрмон хўжалиги министрининг биринчи муовини вазифаларида ишлаган. Ҳозир Тошкент ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бош ўрмончиси, «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўрмончи».

— Мухтасаргина таржимаи ҳол. Аммо бу сатрларнинг қават-қаватларида Фазлиддин аканинг чорак асрлиқ қувончлари, ташвишу-безовталиклари, армонлари, орзу-ю умидлари мужассам.

Унинг қувончи нимада эди?

Болалигида ният қилган мутахассисликнинг бошини тутди. Ўқиди, ўрганди. Ҳар бир ниҳолу дарахтнинг, табиий иқлим, тупроқ ва обиҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини билишга ва шунга мувофиқ ишлашга ўринди. Унинг муваффақиятларида ота-боболаримиздан қолган бой тажриба муҳим аҳамият касб этди. Ўзи бошчилигида яратилган минглаб гектар ўрмонзорлар, боғлар, ёнғоқ ва пистазорлар бугунги кунда табиатнинг катта бойлиги, улкан неъматга айланганлигини кўриб қувонмай бўладими, ахир. У тарбиялаган ўрмончилар-чи? Жумҳурият ўрмонлари, қўриқхоналари тақдири учун жон куйдириб ишлаётганлигини, ҳатто айримлари маъмурий бюрократик системага қарши дадил курашаётганлигини эшитиб, баъзан юраги хапқириб кетади, унинг. Шунда у умр йўлларининг бесамара, бесурур ўтмаганлигига шукрона айтади.

Билакс, ташвишу — безовталикларнинг боиси не?

Табиатда ҳеч нарса боқий эмас. Жумладан, инсон ҳам, унинг яшил бойлиги — дарахт ҳам. Жумҳуриятимизда экологик вазият таранг бўлиб турган айни пайтда «кислород фабрикаси» — дов-дарахтлар ҳақида қайғурмаслик мумкин эмас. Улар мўл-кўлчилик манбаи, об-ҳаётни сақловчи, ҳавони мусаффо этувчи бебаҳо хазина. Аммо ушбу хазина кўз ўнгингда поймол қилинса, масъулиятсизлик, тўраларча муносабат боис қуриб-қақшаб бораётган бўлса, ташвишга тушмаслик, безовталанмаслик мумкинми? Ўрмон фондлари тугаб боряпти, ёш ниҳоллар касалланмоқда, 50—60 йилдан буён яшаб келаётган, уларнинг ўрнини янги кўчатлар билан тўлдириш, яъни таъмирлаш лозим бўлган дарахтлар қанча. Пахта якка зироатчилиги даврида қанчалаб боғ-роғларни, ўрмонларни ютиб юбормади, дейсиз пахта «ҳазрати олийлари». Оҳангарон дарёси ёқасидаги ўрмон хўжаликлари бунга ёрқин мисол. Хайриятки, Оққўрғон ва Янгийўл ўрмон хўжаликлари бу майдонларни қайтариб олиб, хайрли ишни бошлаб юбордилар. Тоғли районлар (Оҳангарон, Паркент, Бўстонлиқ, Пискент) колхоз ва совхозлари ҳудудида 50 минг гектарга яқин фойдаланилмаётган майдонлар бор. Район ва вилоят раҳбарлари билан келишиб, бу майдонларни бирлашма тасарруфига ўтказиш керак. Бунинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор. Ташвиши ҳам бор бўлсин, ишқилиб, хайрли ташвиш умрингни безайди, ҳаётингни мазмунли қилади.

Армонлари-чи? Уни қандай тушуниш мумкин?

Фазлиддин ака буларни ҳеч кимга гапирмайди. Ўзидан ўтгани ўзига маълум. Аммо баъзи пайтларда, эски «яра»ни тирнайверганларида ҳаммасини гапириб юборишга бир баҳя қолган дамлар ҳам бўлган...

Салкам икки ой муқаддам идорага «Узбеклес» ўрмон хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари келишди. Улар дабдурустдан коллективни тўплаб, бирлашма инспектори Ёқуб Усмонов бугундан бошлаб мазкур коллективга раҳбар қилиб тайинланганлиги ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттиришди. Бир дақиқа пишди. Ҳатто уни ўтган раҳбарларнинг «дум»и деб баҳоловчилар ҳам бўлди. Ва ниҳоят, мақсадларига ҳам эришдилар...

Шулар ҳақида гапирмоқчи, шундай воқеаларнинг қайта такрорланмаслиги, ўрмончилик иши заҳа топмаслиги учун бутун коллектив аҳил бўлиши ҳақида фикр билдирмоқчи эди. Аммо ўтирганлар унга гап беришмади: ҳамма бирданига «портлаб» кетди. Янги раҳбарни демократик асосда сайлашлигини, унда район ва вилоят партия комитетлари, вазирликдан вакиллар қатнашиши лозимлигини айтишди.

Раҳбарият қандай келган бўлса шундай чиқиб кетди.

Фазлиддин аканинг армони шулар, яъни ҳамма жойда ошкоралик ва демократиянинг қарор топиши, халқнинг ўзлигини англаб олиши, сукутга, сукунатга қарши курашни кўриш эди. Ва яна: чексиз, чегарасиз ўрмонлар, боғлар барпо этиш, яратиш завқи билан яшаш...

Орзу-ю умидлари ҳақида.

Унинг чегараси бўлмайди. Ибтидоси: оила тинч, тўрт кўз тугал, тўрт мучал соғ бўлсин, фарзандлар ўз ўрнини топишсин. Интиҳоси эса йўқ, бўлмайди ҳам. Ораликда тағин бир олам орзу-истак. Кўпроқ ўрмончиликдаги муаммоларни ҳал қилиш ҳақидаги вазифалар. Яхшиси, мен унинг сайловчилар ҳузурида баён этган ҳаракат дастурининг мағзини айтиб қўя қолай.

Ўрмончиликда иқтисодиётнинг асосини белгиловчи ягона омил — кўчатчилик. Эндиликда ҳеч кимга зарур бўлмаган миллионлаб сифатсиз кўчат эмас, сархил, айниқса мевали ниҳоллар етиштириш лозим. Олма, нок, ўрик, олхўри, гилос, ёнғоқ, уноби, шотут сингари кўчатларни пайванд йўли билан кўпайтириш талаб қилинади. 1987 йилда бу тадбир қўлланилганди. Яхши натижа бермоқда. Шунингдек, ўрмонзорлар оралиғида ҳайдаладиган, мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мумкин бўлган майдонлар мавжуд. Бу ҳам бирлашма ва хўжаликларга катта иқтисодий ёрдам бериши, табиий. Бундан ташқари ҳар йили 200—240 гектар майдонда янги ўрмонлар яратилади. Шуларнинг 50-60 гектари суғориладиган майдонларни ташкил қилади. Ушбу боғ ва ўрмонлар қатор ораларига ҳам маълум миқдорда эртаки экинлардан экиш мумкин.

Ҳозир бирлашма тасарруфида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган цехлар мавжуд. Унинг негизида «Ивушка» кооперативи ташкил топган. Ҳозир унинг ҳамёнида 1230,0 минг сўм маблағи бор. Эндиги вазифа тўқиладиган асбоб ва идишлар тайёрлаш учун тол ва теракдан катта саноат плантацияларини яратишдан иборат. Шунингдек, ўрмончиликда ойимсупурги (сорго) етиштириш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланиб қолди. Ҳозир эҳтиёж катта бўлишига қарамасдан жумҳурият бўйича 5—6 миллион дона ойимсупурги тайёрланади. Бирлашмада эса ҳар йили шунинг 1,3 миллион донасини етиштирилмоқда.

Номзоднинг ниятлари бисёр экан. Ўрмончиликни ривожлантириш билан бирга бирлашмани хўжалик ҳисобига ўтказиш, ишчиларнинг маданий-маиший, социал турмуш тарзини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича ҳам бир қатор янги таклифлар билан чиқди, уларни амалга оширишнинг реал йўллари хусусида тўхталди.

...Шундай қилиб, делегатлар Ф. Фахриддинов учун юз фоиз овоз беришди. Сўзга чиққан Бекобод ўрмон хўжалиги директори Ҳ. Мирраҳимов, Тошкент область агросаноат комплекси ҳуқуқшуноси А. Қурбонов, Паркент ўрмон хўжалиги ходими А. Беланцов ҳам янги сайланган директорнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги хусусида гапирдилар. Эҳтимол, мақола илкида таъкидлаганларимиз, аниқроғи, турғунлик йиллари ёдномаси сайловнинг умумий руҳи таассуротларидир. Воқеалар ичига кириб борган сайин ботиний бир ғулуга, азим бир пўртанага дуч келасиз. Бу пўртана, аломати ризо — сукут туфайли пайдо бўлган иллатларга қарши адолат тўлқинидир. У тобора катталашмоқда ва юзага чиқмоқда, қамровини кенгайтирмоқда. Бу пўртана, Бектемир район партия комитетининг биринчи котиби Г. Собольев ушбу йиғинда таъкидлаганидек, ўрмон хўжалигини ноҳуш ҳоллар билан эмас, яхшилик билан тилга олиш, эслаш учун хизмат қилиши керак.

Э. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

УРУШ ВА ҒАЛАБА САБОҚЛАРИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевнинг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 45 йиллигига бағишлаб 1990 йил 8 май куни ўтказилган тантанали мажлисда қилган доклади «Уруш ва ғалаба сабоқлари» номи билан китобча қилиб чиқарилди. Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. Китобча «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

(ТАСС).

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» САЁҲАТЧИЛАР ФИРМАСИ

Тошкентда ташкил этилган «Буюк ипак йўли» фирмаси хорижий саёҳатчиларга Ҳиндистонни Хитой, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан қадим замонларда боғлаган карвон йўлларидан ўтиш имкониятини беради. Фирма «Интурист»нинг рақибига айланган хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-Интур» бирлашмаси ҳузурида иш бошлади.

Янги фирманинг мақсади саёҳат ишқибозларини қадимий анъаналар билан таништиришдан, уларга ўтмишда Буюк ипак йўли билан боғлиқ халқларнинг турмуши тўғрисида ҳикоя қилиб беришдан иборат.

Янги фирма ишлаб чиққан саёҳат йўллари ҳозирги Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзни боғлаган буюк ипак йўлининг жуда гавжум қисмидан ўтади. Бу йўллар билан АҚШ ва Польшадан келган саёҳатчи биринчи бўлиб танишдилар.

Фирма Буюк ипак йўлига нисбатан жуда катта қизиқиш туфайли ташкил этилди. ЮНЕСКО ўтган йили ана шу йўлни қайта тиклаш режаларини қабул қилди, уни амалга оширишда ўнлаб мамлакатлар қатнашмоқда.

Саёҳат йўлларини фирма ходимлари тайёрлайдилар. Жойларда эса этнографлар, тарихчилар, санъатшунослар саёҳатчилар гуруҳлари билан ишлашга жалб этилади. Чунки бугунги кунда Буюк ипак, йўли қачонлардир савдо-сотиқ авжига чиққан шунчаки йўл сифатида эмас, айни вақтда халқларнинг маънавий ва моддий маданиятини кенг ёйиш, уларнинг анъаналарини қайта тиклаш йўли сифатида қизиқтирмоқда.

Фирма қадимий йўл бўйлаб унча катта бўлмаган меҳмонхоналар, ресторанлар қуришни, янги-янги саёҳат йўллари очишни режалаштирган. Бундай йўллар Ўрта Осиё жумҳуриятлари орқали ўтади. Уларнинг баъзилари саҳролар орқали туяларда, отларда, пиёда ўтиб, ўзларини синаб кўришни хоҳлаган саёҳатчиларга мўлжаллаган. Бу ишга манфаатдор хорижий фирмалар ҳам жалб қилинади.

(ЎзТАГ).

Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига

Ҳар юрагнинг бир баҳори бор

Ҳамид ОЛИМЖОН

САВОЛ

Кийинтирсам сени баҳорга,
Юлдузларни ўрасам қорга,
Олиб келиб олдингга қўйсам,
Ҳам юлдузни, ҳам сени суйсам;
То тонггача сўйласам эртак,

Чечак териб этак ва этак
Оёғингга келтириб тўксам,
Сени мақтаб, ағёрни сўксам —
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми!..
Айтганларинг бажо бўлурми!...

ЎЛКА

Мен дунёга келган кунданоқ
Ватаним деб сени, уйғондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қулпнак каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас
Кўзда ёши билан кулганлар,
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасдан асло —
Дарё каби уйғоқ ўтурман.

МЕНИНГ авлодимга мансуб шеърият мухлислари йигирманчи йилларнинг иккинчи ярми ва ўттизинчи йилларда Чўлпон созининг жим туришга мажбур бўлганига қанчалик афсусланган бўлсалар, янги бир шеърий сознинг садосидан шунчалик қувонишган эди. Фақат янги шоир пайдо бўлгани учунгина эмас, балки Чўлпонга хос фазилатлар — ҳаётга маҳлиёлик, унинг гўзаллигини ҳис этиш ва чўлпонона услуб, нъни, чуқур тафаккур ва нозик ифода ёш шоир ижодида

КЎЗГУДАГИ СИММО

янгидан куртак отаётгани сабабли ҳам қувонган эдик. (Биз ёзувчилик даъво этган ҳар бир шахсни у вақтда ё Абдулла Қодирийга, ё Чўлпонга чоғиштирмасдан туролмасдик). Бу янги соз Ҳамид Олимжон шеърияти эди.

Ҳақиқий поэтик эстафета ишончли қўлда эканини биз дарров тушуниб-тушунмай ҳис этган, сезган бўлсак, Ҳамид Олимжон «Бир япроқ»дан бошлаб мумтоз асарларини бирма-бир «тахлаб ташлаб» («Дарё кечаси», «Офелиянинг ўлими», «Ишим бордир ўша оҳуда», «Хаёлингда ўтади тунлар», «Ҳолбуки тун», «Дарё тиниқ...», «Ўрик гуллаганда», «Дўмбиранинг мақтови», «Куйчининг хаёли», «Кечир мени...», «Севги десам», «Сен туғилган кун», «Ниҳол» ва бошқа шеърий дурдоналарни эсга олинг), бизнинг илк сезгимиз ва умидларимиз ҳалол эканини тасдиқлай борди, қувончларимизга қувонч қўша берди. Унинг машҳур балладалари, достонлари ва «Муқанна» поэтик драмаси ҳам Ҳамид Олимжон халқимизнинг Чўлпон ижодида мужассамланган шеърий даҳосининг қўрини сақлаб қолган ва янгидан алангалата олган ёрқин истеъдодлардан бири эканини намойиш этди. Шу сабабли балои ногаҳон—абадий жудолик — бошимизга тушган кунларда биз севикли шоиримизнинг буюк хизматини тақдирлаб, унга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этишга «қўлимиз тегмагани»дан чексиз аламнок эдик.

Гуноҳкорлик изтироби ва жудолик алами шу кунларда қалбларимизда яна янгиланмоқда. Аммо бизни юпантирувчи, ҳамон битмаган жароҳатимизга малҳам бўлувчи ҳодиса ҳам, шукрки, мавжуд:

Навоийнинг гувоҳлик беришича, шоир ижоди шундай кўзгуки, агар ижодкор унга тикилса, унда дафъатан ўз устозларини кўради. Имоним комилки, агар бугун ўзининг истеъдоди билан бизни мафтун этган ҳар бир ўзбек шоири — Абдулла Ориповми, Омон Матжонми, Эркин Воҳидовми, Муҳаммад Солиҳми, Жамол Камолми ёки Рауф Парфими — қисқаси, ҳар бир фаол сўз санъаткори ўз ижоди кўзгусига астойдил назар ташласа, албатта уч симони — Чўлпон, Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломни кўради. Шунинг ўзи Ҳамид Олимжоннинг хизматига муносиб баҳо, шоирнинг умрбоқийлигидан далил ва шеъриятимизнинг янги, янада юксакроқ чўққиларга кўтарилишига кафолот эмасми?

Иззат СУЛТОН.

1.

БАРҲАЁТ ЧАШМА

⊙ У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам излаш, изланишдан тинмас эди. У сўз санъатининг мангу қуримас чашмаси — халқ оғзаки шеъриятидан баҳра, куч-қувват ола билар эди. Лекин у классик адабиётни, ўтмишнинг улуғ шоирларини шу даражада чуқур билар эдики, беихтиёр уни классик адабиётнинг улкан тадқиқотчиси ва классик шеъриятнинг чинакам давомчиси деб ўйлаб қолардинг, киши.

Николай ТИХОНОВ.

* * *

⊙ Ҳамид Олимжон чуқур билимли, юксак инсоний фазилатга эга ижодкор эди. Кўп ўқиб, кўп ва хўб ёзарди. У ўзида ташкилотчилик қобилиятини ҳам мужассамлаштирди.

Ҳамид Олимжоннинг мана шу хислатлари ва фазилатларини эслаганимда беихтиёр кўз ўнгимда Мирзо Турсунзода ҳам гавдаланади.

Фотиҳ НИЁЗИЙ, Тожикистон.

* * *

⊙ Ўзбек ва озарбайжон шеъриятининг замини бир, осмони бир, офтоби бир. Шунинг учун ҳассос шоир Ҳамид Олимжон тўйи бизнинг ҳам тўйимиздир. Шунинг учун шоир тўйига биз ҳам совға билан келдик. «Ёзувчи» нашриётимиз менинг таржимамда Ҳамид Олимжоннинг «Сен туғилган кун» номли китобини босмадан чиқарди. Китобдан шоирнинг «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ» каби шеърий эртаклари ўрин олган.

Мени бу шоир шеърларини таржима қилишга нима даъват этди? Ҳамид Олимжон шеърлари, энг аввало, ўта халқчил. Қаҳрамонлари ҳам халқ ичидан чиққан. Унинг шеъриятига хос яна бир фазилат оламни шоирона нозик ҳис эта билишдир,

Шу жиҳатлари билан Ҳамид Олимжон шеърияти бизим Микаил Мушфиқ шеърий дунёсига ўхшаб кетади.

Яна бир ўхшашлик уларнинг ҳар иккиси ҳам ёш кетди. Микаил Мушфиқ ўттиз бир ёшида қатағон қилинди. Ҳамид Олимжон ўттиз тўрт ёшида ҳалок бўлди.

Аммо энг муҳим ўхшашлик бошқа бир нарсада: уларнинг ҳар иккиси ҳам халқ қалбида мангу барҳаёт!

Аҳад МУХТОР, Озарбайжон.

⊙ Таниқли сўз усталари А. Фадеев, А. Толстой, Я. Колас билан оташин шоирнинг учрашув дақиқалари.

(Суратлар 1941—1943 йилларда олинган).

2.

⊙ Улар ҳаётда қадрдон дўст ва ижодда ҳамфикр эдилар. (Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулом. 1931 йил).

ҒАЗАЛ

Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб, боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоки кўлларда ҳубоб куйгай.
Камондек қошларинг киприкларингдан ўқ отар доим,
Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу итоб куйгай.
Ёниб ишкингда қалбим кулга айланса, ажаб эрмас,
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.
Олай тоқатни қайдин кўзларингга ҳеч қаролмайман,
Тушибдир учқуни бағримга гўёки китоб куйгай.

СЎЛМОҚ БЎЛМАС ЭЛ БАҲОРИДА

Дунёларни тикка қўпормоқ
Ўти агар бўлса орида,

Ёвларини айласа тупроқ,
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида!

У ҳозиржавоблиги, ташаббускорлиги ва даврнинг илғор зиёлисига хос яна бошқа фазилатлари билан дўстлари, сафдошлари орасида алоҳида кўзга ташланиб турарди.

«Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда», «Россия» каби ғоявий ўткир, бадиий етук шеърлари, «Зайнаб ва Ёмон» эпик достони, «Семурғ», «Ойгул ва Бахтиёр» шеърий эртаклари уни шоир сифатида биринчилар қаторига олиб чиқди. «Муқанна» тарихий драмаси Академик театримиз саҳнасида ўйналиб, ҳам адабиётимизда, ҳам санъатимизда катта воқеа бўлди. Ҳамид Олимжон ўткир мақолалари, оташин нутқлари билан жамоатчилик фикрига ҳар доим таъсир қилиб турди, адабий-танқидий асарлари эса ўттизинчи-қирқинчи йиллар ижодий жараёнида маълум аҳамият касб этди.

Қайноқ қалб эгаси бўлган шоир ижтимоий ишларда фаол қатнашди. У бир қанча йирик адабий воқеаларга бошчилик қилди. Унинг раҳбарлигида Ёзувчилар уюшмасининг Фанлар академияси билан биргаликда ташкил этган кенг кўламдаги ижтимоий-адабий ишлари Бутуниттифоқ аҳамиятига молик бўлди. Чунончи, у Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини ўтказувчи жумҳурият комитетида масъул котиб бўлиб ишлар экан, даҳо шоир ва мутафаккир асарларини нашрга тайёрлаш, ҳар бир адабий обиданинг илмий аниқ матнини ҳозирлаш ва ниҳоят, юбилей тантаналарини уюштириш борасида мислсиз саъйи-ҳаракатлар қилдики, кекса авлод зиёлилари ўша тарихий кунларни ҳамон мамнунлик ила эслайдилар.

Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодини тўплаш ва чоп эттириш борасида ғайрат ва шижоат билан амалий ишлар олиб борди. Унинг ва дўсти Ҳоди Зарифнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли Эргаш Жуманбулбул ўғли, Йўлдош ота, Пўлкан, Ислом шоир ва яна бир қанча йирик бахшилар Тошкентга таклиф этилиб, ўзбек халқ ижодиётининг ўнлаб-юзлаб дурдоналари улар оғзидан ёзиб олинди, нашрга тайёрланди.

1937 йилда Пушкин вафотининг юз йиллиги нишонланиши муносабати билан Ҳамид Олимжон адабиётимиз тарихида биринчи марта даҳо рус шоири асарларини ўзбек тилига кўплаб таржима қилишни ташкил этди. Шоирнинг ўзи, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир қаторида ўша вақтда ёш шоирлар бўлган менинг авлодим вакилларига ҳам бу тарихий вазифа-

ҲАМИША ОЛДИНДА

ни бажаришда ишонч билдирилди. 1940 йилга келиб эса М. Ю. Лермонтовнинг юз йиллигига бадиий таржима соҳасида худди шундай улкан ижодий иш такрорланди.

Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки ҳафталардаёқ мамлакатимиз ғарбидаги жумҳуриятлардан, Москва ва Ленинграддан Тошкентга жуда кўп машҳур ёзувчилар, санъаткорлар, бутун-бутун ижодий коллективлар кўчириб келтирилди. Буларнинг яшаши, ишлаши учун зудлик билан шароит яратиб бериш зарур эди. Халқимиз, зиёлиларимиз ўз қардошлик бурчларини сидқидилдан адо этдилар. Мен урушнинг биринчи кунидан охирги кунигача радионинг бош диктори бўлиб ишлаганим учун Ҳамид Олимжон билан биргаликда халққа кеча-кундуз мурожаат қилиб турган, фашизмга қарши митингларда оташин нутқлар сўзлаган ўтли шеърлар ва жанговар публицистик мақолалар ёзган, студиямизга тез-тез келиб турган Алексей Толстой, Петр Павленко, Михоэлс, Иосиф Уткин, Николай Погодин, Якуб Колас, Сергей Городецкий, Микола Терешченко ва шулар каби яна ўнлаб, юзлаб машҳур совет ёзувчилари ва санъаткорлари билан ҳамкорлик қилганман.

1942 йилнинг кузида ўша вақтда Тошкентда яшаб турган Белоруссия халқ шоири, академик Якуб Колас 60 ёшга тўлди. Ҳамид Олимжон урушнинг оғир шароитига қарамай, белорус қардошимизнинг юбилейини ташкил қилди. Шу муносабат билан Я. Коласнинг шеърлар тўплами ўзбек тилида нашр қилинди ва ижодий кечаси ўтказилди.

Яна бир мисол. Ўша таҳликали 1942 йилда, Ленинград қамали шиддатли тусга кирган бир шароитда Ҳамид Олимжон менга ёзувчиларнинг ленинградликлар матонати ҳақидаги шеър, ҳикоя ва публицистик мақолаларини тўплаб, ўзбек ва рус тилларида китоб нашр эттириш вазифасини топширди. Ўша йилиёқ босилиб чиққан «Жонажон Ленинград» номли тўпламда Николай Тихонов, Ольга Бергольц, Жамбул, Ойбек, Сергей Городецкий, Ғафур Ғулом, Иосиф Уткин, Ҳамид Олимжон, Якуб Колас, Амин Умарий ва яна ўнлаб шоир, ёзувчиларнинг асарлари эълон қилинди.

Шоир ва адибнинг давр талабларига ҳозиржавоблиги, ҳамиша эл олдида юриши янги жамият учун нақадар муҳимлигини биз Ҳамид Олимжон мисолида яққол кўрдик.

Халқ учун, Ватан учун ифтихор туйғуси шоир қўкрагини ҳамиша тоғдай кўтариб турди. Шу сабабдан ҳам у ҳақли равишда баралла хитоб қилди:

Халққа айтинг: мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Ҳамид ҒУЛОМ.

ИЖОД БОҒБОНИ

Ҳамид Олимжон ўрик гулли боғлардан то турфа чечаклар яшнаган ўзига хос ижод гулшанини бунёд қилмоқчи бўлган ниҳоятда ҳассос, ниҳоятда ноёб билим соҳиби эди.

Ўз халқи мулкини, бутун бисотини мукаммал билишга улгурган, унинг бугунини ўзининг шеър, достонларида, ўтмишини — оламшумул қаҳрамонликлари, қадимий юксак маданиятини драмаларида, келажаги, эзгу-ниятларини эртакларида моҳирона мерос қилиб қолдирган такрорланмас истеъдод эгасидир.

Унинг хизматларидан яна бири шу бўлдики, бой маънавий дурдонамиз — халқ оғзаки ижодини йиғиш, ўрганиш, ёзиб олиш, нашр этиш ва ҳар бир ўзбек хонадонининг мулкига айлантиришдек мўқаддас ишга бош-қош бўлди. Бу Ҳ. Олимжоннинг халққа бўлган муҳаббатига тағин бир мисолдир.

ШУКРУЛЛО.

3.

Маданиятпарвар

Ҳамид Олимжон бошқа санъатлар каби кинони ҳам юксак қадрловчи, айниқса миллий экран санъатимиз ҳақида жон куйдирувчи улуғ арбоб сифатида ҳам унутилмасдир.

Катта Фарғона қурилиши кунларида у билан ҳамнафасликда кечган дақиқаларни ҳеч қачон ёддан чиқармайман. Ушанда Ҳамид Олимжон Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода каби дўстлари билан канал қурувчилари даврасига ташриф буюрганди. Биз «Қудратли оқим» ҳужжатли фильмини суратга олаётгандик. У бизнинг ишимизни маъқулларкан, яратилаётган асар қандай бўлиши, унда нималарга кўпроқ эътибор бериш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашганди. Ҳамид Олимжон давраларга ўзининг ажойиб шеърлари билан файз киритарди. Халқ бу дилрабо мисралардан илҳомланиб, меҳнат қилишда давом этарди.

Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида ҳикоя қилган фильмимиз муваффақияти ҳақида ўйлаганимда, бу ишда Ҳамид Олимжондек буюк маданиятпарварнинг даъватлари, қолаверса, ижод аҳли билан халқ ўртасидаги яқинлик илҳоми ҳам қимматли роль ўйнаганига қайта-қайта амин бўламан.

Малик ҚАЮМОВ.

САЛОМ, УСТОЗ

Илк устозим саксон ёш
Одам оламга кўз-қош.
Мангу ҳаёт, олтин бош
Яшар, яшнар ой-қуёш.
Устоз Ҳамид Олимжон —
Шоир жаҳон оламжон.
Жамолингиз яшнайди,
Камолингиз яшнайди.
Саксон ёш тўй муборак,
Етук бош, куй муборак.

Одамгарлик ўйингиз
Оламгарлик уйингиз.
Асарингиз ўзингиз,

Ою қуёш юзингиз.
Одамни куйладингиз,
Оламни куйладингиз.
Сочар дур-нур сўзингиз,
Сўзингизда ўзингиз
Устоз Ҳамид Олимжон —
Шоир жаҳон оламжон.
Саксон ёш тўй муборак
Етук бош, куй муборак!

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

«Ҳижронинг қалбимда,
созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман,
чексиз алам.
Тунлар тушимдасан,
кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман,
қаётсан сен ҳам!» —

● Ҳ. Олимжоннинг рафиқаси, атоқли шоира Зулфия ва унинг авлодлари.

Сурат 1979 йилда олинган.

У мўътабар хонадоннинг шахсий архивида сақланмоқда.

(Суратқаш марҳум В. Мизрохин).

4.

Бугун—В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун

Ёш ленинчилар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТОПШИРИҚЛАР СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Январь-апрель ойларида чакана нархларда, спиртли ичимликларни ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари ва тухум маҳсулотларининг бозор фондини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 4,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу эса 1989 йилнинг январь-апрель ойларидагига нисбатан 322,8 миллион сўмлик ёки 7,7 фоиз кўпдир.

Ана шу ўсишнинг учдан бир қисми (108,1 миллион сўмлик) спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бўлди. Корхоналар ҳам умуман, ҳам товарларнинг айрим гуруҳлари бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилган планларнинг бажарилиши таъминланди.

1990 йилнинг январь-апрель ойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш маълумотлари қуйида келтирилади (чакана нархларда, миллион сўмлик):

	Амалда ишлаб чиқарилган	Корхона қабул қилган планнинг бажарилиши — фоиз	1990 йил январь—апрелида 1989 йил январь-апрелига нисбатан фоиз
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш (бозор фондини ҳам қўшиб ҳисоблаганда)	4519,9	103,3	107,7
шу жумладан:			
озиқ-овқат маҳсулотлари	1617,1	103,7	101,3
спиртли ичимликлар	587,2	104,2	122,6
саноат моллари	2315,6	102,8	109,1
шундан енгил саноат моллари	1516,5	101,4	105,7
саноат молларига давлат буюртмаси	742,4	105,1	116,9

Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан 82,4 миллион сўмликни ташкил этди. Ип газламадан ташқари (95,2 фоиз) асосий маҳсулот турлари бўйича январь-апрель ойлари топшириқлари бажарилди.

Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш топшириқда кўзда тутилган даражага етмади. Колбаса маҳсулотлари, сариёғ, консервалар, ёрма, ўсимлик ёғи, шампан виноси, коньяк ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетди.

1990 йил январь-апрель ойларида халқ хўжалиги комплекслари фаолиятининг кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (фоиз):

	Маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларининг бажарилиши	Истеъмолчига етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўм	Шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар улуши	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсишининг амалдаги суръатлари
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,9	0,2	19	6,2
Металлургия комплекси	98,6	6,2	36	5,8
Машинасозлик комплекси	99,5	2,45	24	—1,8
Химия-ўрмон комплекси	99,1	5,9	26	1,5
Агросаноат комплекси	99,8	5,7	8	4,0
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	99,2	11,0	15	3,2
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	99,8	0,4	10	7,4
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	95,4	2,2	55	—2,1
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	99,3	1,1	23	4,8

Ёқилғи-энергетика комплексида кўмир, нефть ва газ қазиб олиш топшириқларининг бажарилиши таъминланди Айни вақтда кўмир ва газ қазиб чиқариш 1989 йилнинг январь-апрель ойларидагига нисбатан камайди.

Металлургия комплекси корхоналарида январь-март ойларидагига нисбатан маҳсулот етказиб бериш юзасидан истеъмолчилардан қарздорлик кўпайиб 6,2 миллион сўмни ташкил этди.

Пўлат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг январь-апрель ойларига нисбатан 0,4 фоиз камайди.

Машинасозлик комплексида машина ва ускуналарнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Дизеллар, марказдан қочиш кучига асосланган насослар, енгил саноат, агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари учун технология ускуналари, лифтлар, тракторлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш белгиланган топшириққа мувофиқ амалга оширилмоқда.

Шу билан бир вақтда ўзгарувчан токда ишлайдиган электр моторлар, экскаваторлар, трактор культиваторлари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш камайиб кетди.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни бажаришда СССР Электр техника саноати ва приборсозлик министрлиги (1,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади), СССР Оғир машинасозлик министрлиги (0,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади) корхоналари энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари минерал ўғитлар, сульфат кислотаси, химиявий толалар ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Шу билан бир вақтда, синтетик аммиак, капролактам, резина пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Маҳсулот етказиб беришга доир шартномавий мажбуриятларни бажаришда СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги корхоналари (2,1 миллион сўм) ва «Агрохим» давлат агрохимия уюшмаси корхоналари (3,5 миллион сўм) энг кўп қарздор бўлиб қолди.

Қурилиш индустрияси корхоналари қурилиш учун ғишт, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол, йиғма темир-бетонни режалаштирилган ҳажмда ишлаб чиқаришни таъминлай олмаяпти, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналар январь-апрель ойларида истеъмолчилардан 1,1 миллион сўмлик қарздор бўлиб қолдилар. Ҳар тўртинчи корхона мажбуриятни бажаришни барбод қилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли корхоналарнинг деярли ҳар иккитасидан бири истеъмолчилар олдидаги мажбуриятини бажармаяпти. Умуман министрликда январь-апрель ойларида 2,2 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди, етказиб берилмаган маҳсулот ҳажмининг ярими 160-трестнинг Чирчиқ бинокорлик материаллари комбинати ва Фарғонадаги 4-ёғочсозлик заводи зиммасига тушади.

БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА

Афғонистондаги урушда эрларидан, ўғилларидан, акаукаларидан, оталаридан жудо бўлган тошкентликлар округ офицерлар уйига Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг жамоат комитети таъсис конференциясига тўпландилар. Комитетни Ўзбекистон байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар уюшмаси таъсис этмоқда.

Умумий кулфат ва қайғу бирлаштирган одамлар бир-бирларига маънавий мадад бериш, бошларига тушган кулфатга дош беришда бир-бирларига кўмаклашиш учун шу ташкилотни тузишга аҳд қилдилар. Чунки жудолик жабрини бундай кулфатни бошидан кечирган кишигина яхши тушунади.

Конференция Афғонистонда ҳалок бўлганларни хотирлаш кунида бўлиб ўтди. Уйларига қайтиб келмаган жангчилар оилаларининг аъзолари биринчи марта тўпланиб, дардлашиш имкониятига эга бўлдилар. Сочларига қиров тушган ва ёш оталар, оналар, бевалар, мунгли болалар — ҳеч ким кўз ёшларидан уялмади. Уларнинг гаплари қалбларни ларзага солди.

Нима учун ёлғиз фарзандларни Афғонистонга олиб кетишди? Она 90 сўм пенсияга қандай қилиб кун кўриши мумкин? Нима учун ҳалок бўлганларни унутиб юборишмоқда? Нима учун ғам юки эзган одамларни ҳар қадамда маънавий жиҳатдан камситишяпти? Нима учун қонунда белгилаб қўйилган нарсаларни худди садақа бергандек узатишяпти? Бу саволлар конференцияда ҳозир бўлган Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьевга, шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети вакилларига қаратилган эди.

Жамоатчилик комитети ҳалок бўлган жангчилар оилаларига берилган имтиёзлар бажарилишини, ижтимоий-маиший муаммолар ҳал қилинишини ўз назоратига олишга аҳд қилди. Оталари Афғонистонда ҳалок бўлган болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, асирга тушган йигитларни қидириш ва уйга қайтариш ишлари ташкилотнинг эътиборида бўлади. Комитет аъзолари урушда ярадор бўлган, майиб-мажруҳ бўлиб қайтган «афғончи»ларга ёрдам гуруҳини, шунингдек, Ўзбекистондан чақирилган йигитлар ҳарбий хизматни ўташини назорат қиладиган комиссияни тузишга қарор қилди.

Конференцияда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида, айниқса, кўп гапирилди. Қўлига қурол олиб ҳарбий бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган жангчилар ҳам юксак ҳурматга муносиб ва қаҳрамон ҳисобланган. Бироқ ҳозир хато деб тан олинган афғон урушининг сояси ҳалок бўлган аскарлар устига тушмоқдаки, буни ўринли деб бўлмайди.

Жамоатчилик комитети ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш билан шуғулланувчи гуруҳни тузишга аҳд қилди. Комитет аъзоларини шаҳар ижроия комитетининг ном қўйиш комиссиясига киритиш, байналмилалчи жангчиларнинг республика хотира китобини яратишда ёрдам бериш масалалари қўйилди. Тўпланганлар ҳалок бўлган «афғончи»ларга ёдгорлик лойиҳаси, тўғриғоғи «уруш баҳаси» ҳайкали тўғрисида ғазабланиб гапирдилар. Конкурс ташкилотчилари «афғончилар»нинг ҳамда ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг фикри билан ҳисоблашмай, шу ҳайкални тиқиштиришга уринмоқдалар. Комитет аъзолари конкурс ташкилотчилари, партия, маҳаллий органлар олдига ёдгорлик масаласини ҳал қилиш ҳуқуқини байналмилалчи жангчилар уюшмасига ва ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг жамоатчилик комитетига топшириш ҳақида талаб қўйишга қарор қилдилар.

Комитет ўз ишини аниқравшан ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир оила тўғрисидаги маълумотларни тўплашдан бошлади. Ҳалок бўлган жангчилар оилалари орасида анкета тарқатилди. Ундаги саволлардан бирига — биринчи навбатда сиз нимага муҳтожсиз? деган саволга кўпчилик маънавий мададга муҳтожмиз, деб жавоб қайтарди.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

• СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

УНУТИЛМАС ШАҲИДЛАР ЁДИ

Қўшни Тожикистоннинг Ўратепа районидаги Янгиқўрғон қишлоғида асосан ўзбеклар истиқомат қилишади. Қайта қуриш туфайли улар ҳам ўзларининг маънавий қадриятларини тиклашга, ёш авлодни оталар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда. Шу боисдан ҳам янгиқўрғонликларнинг ташаббускорлиги, ғайрат-шижоатлари ва мабғаларг ҳисобига Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ва бедарак кетган фарзандлари хотирасига бағишлаб бунёд этган ёдгорликлари эътиборга сазовордир. Унда оддий аскарнинг ҳайкали тасвирланиб, мармар тошларга шаҳид бўлган 122 нафар жангчининг исми-шарифи зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Ғалаба байрами арафасида ана шу ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу маросимга қўшни район ва қишлоқлардан, Ўзбекистондан меҳмонлар келишди.

Байрамнинг тантанали қисмида 17-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ижросида уруш даври воқеаларини жонлантирувчи адабий композиция кўрсатилди. Сўнгра қишлоқнинг Ш. Қундузова раҳбарлигидаги онахонлар фольклор ансамбли, ёш хонандалар ижросидаги халқ лапарлари, лирик ва классик қўшиқлар ҳамда ялла-лар байрам файзига файз қўшди.

Маросим икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик, ҳамкорликнинг ўзига хос рамзига айланди.

Д. ҲОЖИМАТОВА.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

ТВ · ҲАФТАЛИК · ПРОГРАММА

21 май душанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Қизиқарли математика. 18.40 Мультфильм. 19.00 Деҳқон юмушлари. 19.30 Ахборот. 19.45 «Ёзувчи ва замон». 20.20 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 Рустам Ғойипов кўйлайди. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Мис фариштаси». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм. 19.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.10 Телефильм. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахбор. 22.20 «Қулоққа чалинган суҳбат» Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар. 8.35 Футбол шарҳи. 9.05 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 1-серия 10.15 Делегатскаядаги музей 10.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 11.00 Ҳайвонот оламида. 12.00 Время 15.15 Концерт. 15.30 Илмий хабарнома. 16.30 Фестиваль белгилари. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 Д. Волкогоновнинг «Зафар ва фожиа» китоби ҳақида. 18.50 Биз ва иқтисодиёт. 19.20 Эртага — премьера. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Футбол шарҳи 21.35 «Чардаш Монти». Бадиий фильм. 23.00 Совет — Америка муносабатларининг ривожланиши ҳақида. 24.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Онам, дадам ва мен. 12.05 «Жасоратла, мангусан мудом». Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 Хайём рубоийлари. 17.35 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Волейбол. Жаҳон лигаси. 20.30 Ҳужжатли фильм 21.00 Яшил чироқ. 22.10 Қўл тўпи. СССР чемпионати.

22 май сешанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар 17.40 Телефильмлар. 18.20 Мультфильм. 18.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.00 Пилла — бойлигимиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 20.15 Телефильм. 20.30 Время. 21.00 Дилоҳанглари. 21.40 Мультфильмлар. 22.00 Ахборот. 22.20 «Зомби варианти». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 Компьютер хизматда. 18.30 «Калаванинг учи». Бадиий фильм. 19.40 «Тошкент» студияси. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 «Инсон қушлар ортидан боради». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар. 8.35 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.45 Хор плюс биз. 17.00 Инсониятга дахлдор 18.00 Время. 18.30 Мультфильм. 18.45 Биз ва иқтисодиёт. 19.35 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 Шифокор Ҳ. Алиевнинг руҳий давола́ш усули ҳақида. 21.45 Фильм-концерт 22.55 Концерт. 23.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 8.55 ва 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.35 Жўғрофия. 11.05 Рус тили. 12.05 «Жасоратла, мангусан мудом». Бадиий фильм, 2-серия. 13.15 Ритмик гимнастика. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди.

23 май чоршанба

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Қўғирчоқлар — менинг дўстларим. 19.00 Ҳуқуқ ҳаётимизда. 19.30 Ахборот. 19.45 Долзарб мавзу. 20.25 Реклама. 20.30 Время. 21.00 «Лазги» ашула ва рақс ансамбли. 22.00 Ахборот. 22.20 «Эрта келган турналар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 17.50 Спорт кўрсатуви. 18.20 «Инсон тақдири». Бадиий фильм. 20.00 Тошкент студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахбор. 22.20 «Нури зиндаги».

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.25 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 2 ва 3-сериялар. 10.40 Концерт. 11.00 Саёҳатчилар клуби 12.00 Время. 15.15 Компьютер билан мулоқот. 16.00 Болалар соати. 17.00 Олмаота — Хиросима телекўприги. 18.00 Время 18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.00 Нодипломатик суҳбатлар. 19.20 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 2-серия 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Концерт. 21.50 «Тинч Дон». 22.10 Пешқадамлар паради. 23.40 Ҳужжатли фильм. 00.10 Футбол. Европа чемпионлари кубоги.

МТ-II. 16.30 Ҳужжатли фильм. 17.10 Концерт. 17.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди.

24 май пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.00 Фильм-концерт. 12.30 «Инсон тақдири». Бадиий фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильмлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан 19.00 Пахтакор вазифалари 19.30 Ахборот. 19.45 Алифбо сабоқлари. 20.20 Ички ишлар Вазирлиги матбуот марказий хабар беради. 20.30 Время. 21.00 Ўзбек куйларидан концерт. 21.40 Телефильм. 22.00 Ахборот. 22.20 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 Регби. СССР чемпионати. 18.45 Театр ва томошабин. 19.45 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди. 23.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди кундалиги.

МТ-I. 6.00 «120 минут» 8.05 Мультфильмлар. 8.35 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 11.05 Футбол Европа чемпионлари кубоги. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 12.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.55 Болалар учун фильм. 17.10 Пятигорскдан кўрсатилади. 17.40 М. Шолохов ижоди ҳақида 18.00 Время. 18.30 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.25 «Зитаровлар оиласи». Бадиий фильм, 3-серия. 20.30 Время 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Кулги кечаси. 22.40 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия. 8.15 Илмий-оммабоп фильм 8.35 ва 9.35 Табиатшунослик 9.05 ва 10.05 Испан тили 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Жасоратла мангусан мудом». Бадиий фильм, 4-серия 13.10 Ритмик гимнастика. 16.30 Концерт. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди.

25 май жума

УзТВ-I. 11.30 Фильм-концерт 12.00 «Мерос». Бадиий фильм 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Капитан Врунгелнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм 19.00 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19.30 Ахборот. 19.45 Санъат олами. 20.20 Одобнома. 20.30 Время. 21.00 Ойнан жаҳонда — Бухоро. 22.00 Ахборот. 22.20 Эртага — премьера.

УзТВ-II. 18.15 Тенгдошлар. 18.55 Концерт. 19.15 «Шахсий мулоҳазалар». Бадиий фильм **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди кундалиги. 21.40 «Чорсанглик тўртовлон». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут» 8.05 Мультфильм. 8.20 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 9.05 Концерт. 9.30 Инсон, Ер, Коинот. 10.30 Туркманистоннинг мусиқий фольклори. 11.00 Болалар соати. 12.00 Время. 15.00 Бугунги Африка. 16.15 Мусиқий хазина. 17.10 «Образ». 18.00 Время. 19.30 Венгрия, 90-йилнинг баҳори. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Нима? Қаерда? Қачон? 21.55 Ву бўлган... бўлганди. 22.25 Нигоҳ. 23.45 ТСН.

МТ-II. 8.00 Бадан тарбия 8.15 Илмий-оммабоп фильм 8.35 ва 9.35 Табиатшунослик 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Жўғрофия. 11.05 Илмий оммабоп фильмлар 12.05 «Жасоратла, мангусан мудом». Бадиий фильм, 5-серия. 16.30 Поэзия. 17.00 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди.

26 май шанба

УзТВ-I 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Иқбол» 12.00 Қувноқ стартлар. 13.35 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм. 14.05 Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 18.05 Мультфильм. 18.15 Жилга жилови миробқўлида. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Хотира. Аброр Ҳидоятов 20.30 Время. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.15 Мусиқа жавони. 21.55 Реклама. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 «Қирол Лир». Бадиий фильм, 1-серия.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 «Сафту калом». 9.55 Тожикистон Компартиясининг XXI съезди. 12.00 «Кўз ёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм. 18.05 «Кўз ёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм. 19.30 Новости 19.50 Донишчу. 20.30 Время. 21.00 Миниатюра театри. 22.00 Ахбор. 22.20 Панчи сурут. 23.30 Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Онам, дадам ва мен. 8.35 Бурда моден. 9.05 Рақсга таклиф. 9.25 Дўстларимнинг нафис ҳислатлари. 10.15 Тижорат хабарномаси. 10.45 Концерт. 10.55 «Пи» белгиси билан. 11.55 Илмий-оммабоп кўрсатув. 12.55 Сувдаги цирк. 13.45 «Тунги ташриф». Бадиий фильм. 15.15 Сиёсий мулоқотлар. 16.00 «Орлиан қизи». Спектакль. 18.30 Халқаро панорама. 19.45 «Ўлим азобини ўлганлардан сўра». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Тафтиш». Спектакль. 23.10 Ярим тунгача, ярим тундан сўнг.

МТ-II. 7.30 Бадан тарбия. 7.45 «Матбуот клуби». 18.55 РСФСР халқ депутатлари биринчи съезди. 11.55 Биз яшаётган олам. 13.00 «Ҳамдўстлик». 15.30 «Боғбон». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 «Бой берилган даҳо ёки истеъдодли бўлиш қанчалар бефойда эканлиги ҳақида асар». 20.30 Время. 21.00 Янграсин садолар, жаранглаcин карнайлар. 22.35 Киноконцерт. 23.25 «Қорачадан келган киши кечқурун». Бадиий фильм.

27 май якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Компьютер сабоқлари. 10.30 Сиз севган қаҳрамонлар. 11.30 Спорт кўрсатувлари. 12.30 Илёс Маллаев билан учрашув. 13.45 Деҳқон ва замон. 14.45 Алифбо сабоқлари. 15.20 Реклама. 18.10 Мультфильм. 18.20 Концерт 19.00 Кино жавонидан. 19.30 Ахборот. 19.45 Илмий-оммабоп программа. 20.20 Мультфильм 20.30 Время. 21.00 Якшанба оқшомида. 22.00 Ахборот. 22.20 «Қирол Лир». Бадиий фильм, 2-серия.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Офарин. 11.10 Тележурнал. 12.00 «Бу энди афсона эмас». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 15.05 Мультфильм. 15.15 Реклама. 15.30 Телефильм. 15.25 «Қалбларимизни асранг». 15.50 «Новинки» киноклуби. 17.10 «Севги изҳори». 18.10 Долзарб мавзу. 19.00 Жетти кун. 19.30 Акиндин элесе. 20.30 Время. 21.00 «Инглиз боғидаги канкан». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Бадиий фильм, 1-серия 13.15 Здоровье. 14.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. 15.30 Қишлоқ янгиликлари. 16.45 Шолоховга бағишланади. 18.30 Мультфильм. 18.55 «Ринг» Бадиий фильм. 20.30 Время 21.00 Абадият ҳақида ўйлар 21.15 Дўстлик меридианлари.

МТ-II. 7.30 Зарядкага сафланинг. 7.45 «Икки ўртоқ хизматда». Бадиий фильм. 9.20 Экранда «01» хизмати. 9.50 Халқ оҳанглари. 10.05 Ҳужжатли фильм. 11.00 Васкетбол АҚШ чемпионати. 12.00 «Оқшом». Телеспектакль. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали 16.30 Халқаро программа. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.00 Сув полоси. СССР кубоги. 19.00 Концерт. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Инсоний бурчимизни ўтаб. 20.30 Время. 21.00 Киносерпантин.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04554. № 114. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12